



Истеъмол кайфияти шарҳи

2022 йил I чорак

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тошкент 2022 йил

Истеъмол кайфияти шарҳи

Жорий йил апрель ойида турли соҳа вакилларининг **2022 йилнинг I чораги якунлари** бўйича истеъмол кайфиятини ўрганиш бўйича навбатдаги онлайн сўровлар ўтказилди ва унда **3 мингга** яқин респондентлар иштирок этди.


Ушбу шарҳда респондентларнинг даромадлари ва истеъмол харажатлари таркиби, пул-маблағларини жамғаришга бўлган мойиллиги, келгусидаги харажатлари, шунингдек, кредитга бўлган эҳтиёжлари таҳлил қилинган.

Бундан кўзланган мақсад, аҳолининг турли қатламлари келгусида истеъмол кайфияти ва талабини шаклланиши ҳамда уларга таъсир кўрсатувчи омилларни, шу билан бирга, иқтисодиётда талаб томондан инфляцион босимларнинг юзага келиш эҳтимолларини ўрганишдан иборат.

1. Истеъмол кайфияти индекси

Жорий йилнинг дастлабки чорагида **Истеъмол кайфияти индекси¹ (ИКИ)** 2021 йилнинг IV чорагига нисбатан **1,2 бандга** камайиб, **24,5** ташкил этди (*2021 йилнинг мос даврига нисбатан ҳам 0,4 бандга камайган*).

1-расм. Истеъмол кайфияти индекси



Индекснинг барча компонентларида ўтган чоракка нисбатан камайиш кузатилди.

¹ Индекс кўрсаткичи -100 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмол кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

Ўтган йилнинг III чорагидан 2022 йилнинг февралигача аҳолининг жамғаришга бўлган мойиллиги ортиб борган бўлса, март ойига келиб ташқи вазиятдаги ўзгаришлар ва миллий валюта алмашув курсидаги тебранишлар аҳолининг даромад, харажат ҳамда жамғариш кайфиятларини бироз пасайишига сабаб бўлди.

Шунингдек, келгусида кредит олишни режалаштирган респондентлар улуши камайди. Бу, маълум маънода пул-кредит шароитларидаги ўзгаришлар билан ҳам изоҳланиши мумкин.

Айни пайтда, жамғаришга бўлган мойиллик юқори даражада сақланиб қолинганлиги шароитида истеъмол талабининг маълум бир даражада қисқаришининг кузатилиши ҳисобига Истеъмол кайфияти умумий индексида жамғариш субиндекси **пасайтурувчи аҳамият** касб этади.


Даромад субиндекси

Респондентларнинг келгусидаги даромадлари кўпайиши бўйича кутилмалари бироз пасайди

Хусусан, аҳоли вакиллари келгуси даромадлари ошиши бўйича кутилмалари 2021 йил IV чорак натижаларига нисбатан **8,3** дан **7,6** гача камайди (1-расм).

Шу ўринда, келгусида даромадлари кўпайиши мумкинлигини таъкидлаган респондентларнинг **2 млн. сўмгача** даромад олувчилар сони ўтган чоракка нисбатан ўзгармаган (**19 фоиз**) бўлса, ўртача **2-3 млн. сўм** ва **3-5 млн. сўм** даромадлилар синфининг улуши 3-5 фоизга қисқарган (2-расм).


2-расм. Респондентларнинг келгусидаги даромадлари бўйича кутилмалари




Даромадлар кўпайиши бўйича кутилмаларининг пасайишига, ушбу даврда ташқи таъсирлар натижасида, пул ўтказмаларини камайиши бўйича кутилмалар, миллий валюта алмашув курсининг тўғриланиши (**март ойида 5,0 фоизга қадрсизланди**) ҳамда асосий турдаги маҳсулотлар нархларининг сезиларли қимматлашиши каби

омиллар сўровда қатнашганларнинг кайфиятида акс этганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

3-расм. Респондентларнинг ўртача ойлик даромадлари (бир оила учун)




4-расм. Даромадлар манбаси (соҳалар кесимида)




Сўровда иштирок этганларнинг **57 фоизи** даромадларининг асосий манбаи **ойлик иш ҳақи** эканлигини таъкидлашган бўлса, **шахсий томорқадан** оладиган даромад эгаларининг улуши **9 фоизни** ташкил этмоқда. Ундан кейинги ўринларни **тадбиркорлик** соҳаси, **кунлик даромадли ишлар** ва **бошқа ёлланма ишлар** орқали даромад топувчилар эгаллади.

Ҳудудлар кесимида расмий ойлик иш ҳақи Тошкент шаҳри (59 фоиз), Сирдарё (51 фоиз), Андижон (49 фоиз), Тошкент (48 фоиз) ва Сурхондарё (46 фоиз) вилоятларида умумий даромадлар таркибида юқорироқ ҳиссани ташкил қилган.

5-расм. Келгуси 12 ой учун мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



6-расм. Келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалари



Келгуси 12 ойда мамлакатимиз иқтисодиёти бўйича ижобий кутилмалар улуши (*респондентларнинг 48 фоизи*) юқориликка сақланиб қолинган. Бироқ, бугунги кундаги ташқи геосиёсий вазиятнинг ёмонлашиши ва ушбу ҳолатнинг иқтисодий фаолликка салбий таъсирларидан келиб чиқиб, жорий йилда иқтисодий вазиятнинг

нисбатан ёмонлашиши мумкинлигини таъкидлаган респондентлар улуши ўтган чоракка нисбатан кўпайган.

Шу ўринда, сўровда қатнашувчиларнинг қарийб 65 фоизи келгуси 3 йиллик иқтисодий истиқболларни ижобий баҳолашмоқда.

Кредит субиндекси


Келгуси 12 ойда респондентларнинг янги кредитга бўлган талаби биров камайиши кутилмоқда. Таъкидлаш жоиз, ушбу тенденция кетма-кет 3 чоракдан бери кузатишмоқда

Кредит субиндекси 2021 йилнинг IV чорагига нисбатан **0,8 бандга** камайиб, **8,6** ташкил этди. Ушбу тенденция аҳолининг сўнгги йилларда **қарз юкининг (кредит ва фоиз тўловлари)** юқори суръатларда ошиши, ташқи хавотирларнинг кучайиши фонида даромадларнинг камайиши мумкинлиги, шунингдек, банклар томонидан тақдим этилаётган кредит ставкаларининг оширилиши шароитида янги кредит олишга бўлган эҳтиёжнинг камайиб бориши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Сўровда қатнашган жами респондентларнинг **65 фоизи** келгуси ойларда янги кредит олишга эҳтиёжлари мавжудлигини таъкидлаган (2021 йилнинг IV чорагида 67 фоиз).

Келгусида кредит олишни режалаштирганлар асосан, ўрта ва камроқ даромадлилар (**2-3 млн. сўм ва 3-5 млн. сўм**) ўртасида кузатилган бўлса, аксинча, юқори даромадли гуруҳ вакиллари кредит олишга бўлган иштиёқи пастроқ шаклланди (**7-расм**).

7-расм. Даромадлар бўйича кредитга бўлган талабнинг шаклланиши



Шу ўринда, жорий йилнинг дастлабки чорагида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **47 фоизга** ошди. Бунда, ажратилган микрокредитлар ва микроқарзлар мос равишда 74 ва 73 фоизга ўсган.

Қатнашувчиларнинг келгусида даромадлари ўзгариши шароитида кредит олишга бўлган эҳтиёжлари ўтган чоракка нисбатан биров

фарқли шаклланди. 2021 йилнинг IV чорагида **аксарият даромади кўпайишини кутаётган респондентлар томонидан кредит олишни режалаштирилаётганлар** кўпчиликти ташкил қилган бўлса, бу сафарги сўровда ушбу гуруҳ қатнашчиларининг улуши бироз қисқарган.

8-расм. Даромадлар бўйича кредитга бўлган талабнинг шаклланиши

		Келгусида янги кредитга талаб ўзгариши					
		ошади	бироз ошади	ўзгаришсиз қолади	бироз камаяди	камаяди	кредитга эҳтиёж мавжуд эмас
Келгусида даромади ўзгариши	кўпаяди	41	27	17	2	4	25
	бироз кўпаяди	27	33	23	6	4	22
	ўзгармайди	36	29	35	4	5	24
	бироз камаяди	38	26	26	13	10	22
	камаяди	47	16	21	3	11	33

Шунингдек, келгусида даромадлари пасайишини истисно этмаган респондентлар ўртасида кредит олишга бўлган талабнинг ошишини кутаётганлар улушини ошганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Ушбу номутаносиблик яқин истиқболда қарзга хизмат қилиш бўйича муаммоларни юзага келтириши бўйича хатарларни оширади.

Албатта, бу ҳолат банклар олдидаги рискларни кучайиши ва аҳоли қарз юки миқдорининг сезиларли ошишига сабаб бўлиши мумкин.



Харажат субиндекси

Иштирокчиларнинг аксарият қисми келгусида харажатлари ошишини ёки шу миқдорларда сақланиб қолишини билдиришди

9-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар

2022 йил I чорак

2021 йил IV чорак




Келгуси ойларда харажатлар ўсиши бўйича кутилмалар 0,1 бандга камаяди ва 12,6 га тенг бўлди. Респондентларнинг катта

қисми – **71 фоизи** харажатларининг (*аввалги чоракда 72 фоиз эди*) кўпайишини таъкидлашган. Қолган компонентларда ўзгариш кузатилмади (*9-расм*).

Иштирокчилар томонидан жорий йилнинг январь-март ойларида асосан, **даволаниш** ва **таълимга** маблағларнинг сарфлангани қайд этилган. Ушбу ҳолат қиш ойларида мавсумий касалланиш ҳолатларининг авж олиши, ОТМ контракт тўловлари мажбуриятларининг бажарилиши билан изоҳланиши мумкин.

10-расм. Йирик харидлар/харажатлар ўзгариши



Ўз навбатида ушбу сўров қатнашчиларининг асосий қисми келгусида **уй-жой таъмири ва хариди, автомобиль, маиший техника** ҳамда **мебел** хариди, шу билан бирга, **тўй** тадбирларини амалга оширишни режалаштираётган бўлиб, бу мавсумий тўй-ҳашамлар ҳамда қурилиш ишлари ҳажмининг ўсишига таъсир этади.

Бундан ташқари, респондентлар орасида **таълим, даволаниш, ва оилавий байрамларга** сарфланадиган харажатларнинг қисқариши кутилмоқда.

Келгуси ойларда **уй-жой, автомобиль, маиший техника** ва **мебел** сотиб олиш истагидагилар ва **тўй** қилишни режалаштирганлар сонининг ортиши истеъмол товарлари нархига қўшимча босимни юзага келтириши мумкин.


Жамғариш субиндекси

Келгуси ойларда жамғаришни режалаштираётган респондентлар улуши бироз камайди

Жамғариш субиндекси ўтган чоракка нисбатан **0,5 бандга** пасайиб, **4,3** га тенг бўлди.

Жорий сўровда иштирок этганларнинг **51 фоизи** келгуси давр учун **жамғармалари кўпайишни таъкидлашган**. Ушбу кўрсаткич ўтган чорак натижалари билан солиштирилганда, ижобий жавоблар **2 фоиз бандга** қисқарган (*2021 йилнинг IV чораги якунлари бўйича – 53 фоизга тенг*).

11-расм. Респондентларнинг жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари




2022 йилнинг март ойида хорижий валюталар курсининг сўмга нисбатан кескин тебранишлари ва миллий валюта сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиши натижасида сўмдаги омонатлар қолдиғининг камайиши кузатилди. Ушбу ҳолат аҳолининг бўш пул маблағларини миллий валютада жамғаришга бўлган мойиллигини маълум маънода пасайтирди.

Март ойининг охири ва апрель ойидан бошлаб миллий валюта сўмнинг алмашув курсини мустақамланиши кузатилаётган бўлиб, бу эса, уй хўжалиқларининг бўш пул маблағларини банк омонатларига қайтишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.


Шунингдек, жисмоний шахслар учун депозит фоиз ставкалари март ойида **20,9 фоизгача** ўсди ва реал даромадлик даражаси **9,4 фоизни** ташкил этмоқда. Инфляцион кутилмаларга нисбатан ижобийлик кўрсаткич эса 4-5 фоизлик реал ставкаларда шаклланди.

Жамғармалари **1 ойгача** етадиган респондентлар улуши **31 фоизни** (*ўтган чоракда 28 фоиз*) ташкил этган бўлса, **1-3 ойгача** бўлган давр учун ушбу кўрсаткич **14 фоизга** тенг. Айни пайтда, аксарият респондентлар (*46 фоиз*) ўз жамғармаларига эга эмаслигини таъкидлашган.

12-расм. Жамғарманинг етарлилик даражаси



13-расм. Даромадлар кесимида жамғарманинг етарлилик даражаси



Жавоб берувчилар даромадлари кўпайгани сари параллел тарзда жамғармаларининг етарлилик муддати ҳам ошиб борганлигини кўришимиз мумкин (*13-расм*).

14-расм. Респондентларнинг даромадлари ва жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари

		кўпаяди	бироз кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	бироз камаяди	камаяди
Келгусида даромад ўзгариши	кўпаяди	58	24	9	3	5
	бироз кўпаяди	10	52	25	7	6
	ўзгаришсиз қолади	5	16	60	9	11
	бироз камаяди	8	14	28	31	19
	камаяди	12	9	15	7	57

Респондентлар даромадларининг ўзгариши билан уларнинг жамғариш кайфиятига таъсири ўрганилганда, **даромадлари кўпайишини кутаётганларнинг асосий қисми** яқин истиқболда **ўз жамғармалари** ошиши мумкинлигини билдиришган.

Шунингдек, пессимистик ҳолатда даромадлари камайишини таъкидлаганларнинг асосий қисми келгусида жамғармалари ҳам қисқариб боришини билдиришган.



Оптимистик ва пессимистик жавоблар индекси

Оптимистик ва пессимистик жавоблар индекси² бу респондентларнинг ижобий ва салбий жавоблари ўртасидаги фарқдир. Ушбу кўрсаткич сўровда иштирок этган респондентларнинг истеъмол кайфияти трендини баҳолашга ёрдам беради.

Респондентларнинг оптимистик ва пессимистик жавоблари индекси

2022 йил I чорак

2021 йил IV чорак



Респондентларнинг келгуси 12 ой ва яқин 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши бўйича кутилмалари сўралганда, оптимистик жавоблар кўрсаткичи фарқи мос равишда **29,3** ва **66,1 бандга** тенг бўлди. Яъни аҳолининг иқтисодий ҳолатнинг ўзгариши бўйича кутилмалари аввалги чоракка нисбатан ўзгаришсиз қолмоқда.

Шунингдек, респондентларнинг даромадлари, харажатлари ва жамғармалари ўзгариши борасидаги кутилмалари бўйича оптимистик ва пессимистик жавоблар тафовути ўтган чоракка нисбатан сезиларли пасайган.

Умуман олганда, I чорак якунлари бўйича респондентларнинг **оптимистик ва пессимистик жавоблар фарқи 31,2 бандга тенг** (ўтган чоракда ушбу кўрсаткич 33,9 бандни ташкил этди) бўлди.

² Индекс кўрсаткичи -100 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари оптимистик жавобларнинг улуши ортиб боради.